

Таълим

ЯНГИ ИНСТИТУТ ЮРТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент давлат аграр университети
ректори, академик

Дунё амалиётида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, экинлар тури, навларини танлаш, жойлаштириш, уларни етиштириш, агротехнологиясини тўғри белгилаш, айниқса, ўша ҳудудлар талабларини инобатга олган ҳолда, юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда малакали кадрларнинг етишмаслиги катта муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал этиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича кадрларни кўпайтириш учун сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, соҳага халқаро таълим стандартлари ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар нафақат пойтахтда, балки республикамизнинг барча вилоятларида, шаҳар ва қишлоқларида ҳам бирин-кетин юз бераётгани қувонарли ҳолдир, албатта.

Маълумки, Фарғона водийси деҳқончилиги жуда қадимий ҳисобланиб, ўзининг алоҳида мактабига эга. Лекин, водий вилоятлари орасида ҳам ўзларининг ички, маҳаллий деҳқончилик мактаблари мавжуд бўлиб, қардадир узумчилик, सबзавотчилик, анорчилик, анжирчилик ёки полизчилик устунлик қилади. Шунингдек, пахтачилик, суғориладиган ерларда ғалла етиштириш бўйича етакчилик қиладиган жиҳатлари кўп.

Президентимиз 21-22 май кунлари Андижон вилоятига ташрифлари давомида барча соҳалар каби қишлоқ хўжалигига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, деярли барча деҳқончилик янгиликлари мазкур ҳудуд миришкорлари томонидан яратилишини алоҳида таъкидлади. Ҳа, бу айни ҳақиқат. Чунки, Андижон вилояти нафақат мамлакатимизда, балки Осиё давлатлари орасида ҳам ер майдонлари жуда тиниз, аҳоли сони кўп ҳамда янада кўпайиш тенденцияси кузатилаётган ҳудудлар сирасига кир-

ди. Демак, ушбу шароит табиий равишда яшаш учун рақобатбардошликни оширади.

Андижон вилояти фаоллари билан учрашувада давлатимиз раҳбари ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган янги "Андижон деҳқончилик усуллари" яратилишига ишонч билдирар экан, вилоят деҳқончилик тизimini янги босқичга олиб чиқишига замин ҳамда тухфа тариқасида Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали негизда мустақил олий таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари, фақат водий вилоятларини эмас, балки юртимиз аҳолини ҳам жуда қувонтирди.

Узоқни ўйлаб илгари сурилган бу таклиф ва ташаббус республикамиз учун қандай манфаат келтиради, деган табиий саволга баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрсак.

Биринчидан, мазкур институтни ташкил этилиши мамлакат олий таълим ва фан йўналишидаги салоҳиятни орттиришига, халқаро нуфузли 1000 талик рейтингдан муносиб ўрин олиш имкониятини кенгайтиради. Иккинчидан, Фарғона водийси ҳудудларининг деҳқончилик тизимларига мос бўлган, назария ҳамда амалиётни ҳамбарчас боғланган ҳолда олиб бориш билан бирга юқори малакали кадрлар тайёрлаш салоҳияти ортади.

Шунингдек, филиал негизида ташкил этилган институт, авваламбор, республика олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари ҳамда хорижий давлатларнинг шу соҳа мутахассислари билан бевосита ҳамкорлик йўналишларини ҳам кенгайтиради.

Яна бир муҳим масала. Фарғона водийси қишлоқ хўжалиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги факультетлар ҳамда тор йўналишга ихтисослаштирилган янги кафедраларни очилишига, айрим йўналишларни қисқартирилишига хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Фарғона водийсида чорвачилик, айниқса, балиқчилик, қўнчилик, паррандчилик, шолчилик ҳамда ноанъанавий экин турларини етиштириш ва уларни экспортдаги улуши бугунги кун талабларидан ортада қолмоқда. Бу йўналишларни ривожлантириш учун, албатта юқори малакали кадрлар зарур. Ҳуку-лаборатория базасини модернизациялаш, фан дастурлари асосида соҳа бўйича инновацион ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, илғор хорижий тажриба, юқори унумли ва ресурс тежовчи агротех-

нологиялар бўйича янги авлод услуб ва ўқув адабиётларини яратиш ҳамда таъминлаш талаб этилади. Илғор хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий-педагог кадрларнинг малакасини ошириш, стажировкалар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда филиал профессор-ўқитувчилари томонидан Фарғона водийси қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида турли мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Лекин, институт ташкил этилиши муносабати билан тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш, алмашлаб, навбатлаб экин тизimini такомиллаштириш, водий вилоятлари қисимида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлашуви структурасини қайта кўриб чиқиш, маҳсулотлар экспорт ҳажминини ошириш мақсадида экологик соф, органик маҳсулотлар етиштиришда самарали агротехнологиялар яратишга ва суғориладиган ерлардан йил давомида унумли фойдаланиш ҳамда бу борада янги агротехнологияларни яратишга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Институт 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб иш бошлайди. Бу ўз навбатида вилоят ҳокимликлари, ташкил этилаётган институтнинг раҳбар ва профессор-ўқитувчилари зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Инсон камолга етишида устозлар меҳнати бекиёс. Шогирдларининг яширин қобилиятларини англаб, уларни кашф этган ва тўғри йўлга бошлаб билган долларларнинг заҳмати бамисоли ҳар бир ниҳолни осраб-авайлаб, вояга етказган боғдон меҳнати янглиғ катта масъулият ва сабр тоқатни талаб қилади. Янги олий билим даргоҳининг профессор-ўқитувчилари ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини замон руҳи ва миллий истиқлол ғояси тамойилларини уйғунлаштирган ҳолда талабаларга билим беришларига ишонамиз.

Албатта, олдимизда турган режалар катта. Янги ўқув йилининг бошланишига ҳам санокли ойлар қолди. Ўз юртини чиндан севувчи, мамлакатимиз ривожига, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасининг тараққий этиши учун бор билим ва малакасини, иқтидори ва қобилиятини сарфлай биладиган, онгида билими ва салоҳияти, юрагида Ватан равнақи учун фидойилик жўш уриб турган ёшларга бўлажак олий таълим муассасаси эшиклари ҳаминиш очик.